ITALIA

PREMIUM
SERVICE
BEST QUALITY GUARANTEE

ISSN (E): 2835-396X

# Proceedings of International Educators Conference 2023

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
Monthly








Vol.2, Issue 4

SJIF 2023: 5.036

25th April, 2023

E- CONFERENCE
SERIES

Vol. 2 No. 4 (2023): IEC

## Articles

1. "BAHOLANGAN MAJBURIYATLAR, SHARTLI MAJBURIYATLAR VA SHARTLI AKTIVLAR" (BHXS 37) STANDARTNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Rajabova N.U
1-4

2. ADABIY TA'LIMDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN YONDASHUV

Duschanova Nilufar Sabirbayevna
5-8

3. INCREASING THE LEVEL OF ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN

Sheraliyev is the son of Islambek Ravshanbek, Kholmirzayev is the son of Daniyorjon Elyorjon
9-15

4. DEVELOPMENT OF SALES VOLUME OF PRODUCTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN THROUGH MARKETING

Adhamov Ravshanbek Ulug'bek o'gli, Abdukhoshimov Abdullajon Akmaljon o'g'li, Professor: Saliev Bakhodir Komilovich
16-19

5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ ХАФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РОЛИ

Д. З. Ҳасанов
20-23

6. DIFFICULTIES IN TEACHING VOCABULARY TO YOUNG LANGUAGE LEARNERS

Ernazarov Abror Ablakulovich, Nasrullayeva Nafisa Zafarovna
24-28

7. ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS DEVELOPMENT

Adhamov Ravshanbek Ulug'bek o'g'li, Orifjonov Boburjon Abdulla o'g'li, Professor: Saliev Bakhodir Komilovich
29-31

Scanned by TapScanner

43. ЭФФЕКТИВНОСТЬ КАПЕЛЬНОЕ ОРОШЕНИЕ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ВОДНОГО ДЕФИЦИТА
Реимов Ниетбай Байназарович, Орынбаева Эльмира Бекполат кызы
196-200

44. MATEMATIKA FANIDA DIDAKTIK O'YINLARNING AHAMIYATI
Omonova Farida Shakirovna
201-205

45. THE MECHANISM OF OPERATION OF THE ONLINE PLATFORM IN THE TRADING SYSTEM AND ITS EFFECTIVENESS (in the example of the FOM.UZ platform)
Fazliddin Bobokhanov Fakhritdin ugli
206-209

46. БУГУНГИ КУНДА ТАЪЛИМ СИФАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
Шарапова Гулшан Шарофовна, Тўхтаева Дилнавоз Қаҳрамон қизи
210-213

47. THE IMPORTANCE OF THE MONTESSORI PROGRAM IN THE SOCIAL DEVELOPMENT OF CHILDREN OF PRESCHOOL AGE
Hulkar Rasulova
214-217

48. ENDI ULAR HAM SO'ZLASHADI!
Beg'amova Sadoqat
218-223

Scanned by TapScanner

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

# БУГУНГИ КУНДА ТАЪЛИМ СИФАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шарапова Гулшан Шарофовна,
Бухоро давлат университети, "Факультетлараро чет тиллар " кафедраси ўқитувчиси

Тўхтаева Дилнавоз Қаҳрамон қизи,
Бухоро давлат университети журналистика: босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси таълим йўналиши 1-босқич талабаси

**Аннотация:**
Ўзбекистонда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар таълим тизимини тўлиқ ахборотлаштиришни, анъанавий ўқитиш мазмунини қайта кўриб чиқиш, ўқув фанларини интеграциялаш, ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида таълим муассасасида ягона ахборот таълим муҳитини шакллантириш, ахборотлар базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни фанлар интеграцияси асосида такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

**Калит сўзлар:** ахборотлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаш, ахборотлар базаси, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, таълим тизими.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Ёшларимиз ҳақли равишда юртимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур азтаълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур. Айни шу мақсадда давлатнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси-ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги

Scanned by TapScanner

ISSN: 2835-396X


босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда» . Бу зарурат бугунги рақамли дунё шароитида айниқса, жуда аҳамиятлидир.

Қолаверса, 2020 йил 25 январдаги мамлакатимиз парламентига мурожаатномасида рақамли иқтисодиёт кўп қиррали фаолият бўлиб, унда илм, маърифат, рақамли ахборот ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида қўлланилиши,зарурий фаолият майдони тариқасида замонавий ахборот тармоғи иқтисодиёт структурасини оптималлаштириш ва унумдорликни оширишнинг етакчи омили тариқасида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш лозимлигининг назарда тутилганлиги юқорги фикримиз далилидир.

Хусусан, рақамли иқтисодиётнинг характерли белгилари шундан иборатки, бу иқтисодиётда асосий ресурс бўлиб анъанавий ресурслар(капитал, меҳнат,ер ва бошқ) эмас, балки, илм-маърифат билан суғорилган, илм сиғими юқори бўлган ахборот оқимлари ва уларнинг инновациялардаги кўриниши барқарор иқтисодий ўсиш омилига айланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим тизимидаги асосли, долзарб муаммолар ўрганилиши ва уларни ҳал этиш истиқболлари ишлаб чиқилиши ҳар кунгидан-да бугун ўта аҳамиятлидир, айнан бу жараённи бошланғич таълим фанлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, бунда эътибор бериш лозим бўлган жиҳатлар мисолида кўриб ўтишни тавсия этамиз: Бошланғич таълим учун зарур ва устувор йўналишларидан бири таълим мазмунининг янгиланиши, дарсни инновацион тажриба ва ғояларга таяниб, замонавийлаштирилган, такомиллаштирилган ҳамда илмий - инновацион технологиялар асосида ўтиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки, дарс таълим - тарбия беришнинг асосий ўзагидир. Ўқувчининг ўқув фанларини чукур ўрганиб бориши давомида унинг билими мустаҳкамланади, саводхонлиги ошиб боради. Фанлар бўйича бериладиган таълим-тарбия ҳаёт қонуниятлари, табиат диалектикаси, давр талаби асосида ўқувчиларга етказилса, ҳар бир ўқитувчи ўз вазифасини сидқидилдан бажарган бўлади.

Дарс таълимнинг асосий шакли экан, ўқитувчи шу жараён ўз шогирдларининг онгли ва фаол бўлиши, жамиятнинг ватанпарвар, адолатпарвар, меҳнатсевар ва фидоий кишилар бўлиб улғайишлари учун мустаҳкам замин тайёрлаши лозим. Бу жараён ўқув-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш учун, инновацион педагогик технологиялар воситасида қуйидагиларни амалда қўллашни тақазо этади.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES
Scanned by TapScanner

Таълим тизимидаги долзарб муаммолардан бири ўқув фанларини интеграциялаш ва табақалаштириш саналади. Интеграциялаш фанлар ўртасида таркибий боғланишни мустаҳкамлаш, уларни умумлаштириш, ўқувчи-ёшларнннг табиат ва жамият тўғрисидаги яхлит тасаввурларини янада бойитиш учун хизмат қилади. Интеграциялаш муаммосини ҳал этиш таълим муассасалари ўқув жараёнида замонавий ахборот ва инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Мазкур жараённи тўғри ташкил этиш ўқитиш самарадорлигини оширибгина қолмасдан, ўқитишнинг лойиҳавий яратувчанлик модели асосини таъминлайди. Ахборотлар кўламининг кун сайин юксалиши, талабаларга бериладиган билимлар ҳажмининг кўпайишига, мутахассисликлар бўйича ўқитиладиган фанлар миқдорининг ошишига сабаб бўлмоқда. «Ёшларимизга биз шароит яратмасак бошқалар шароит яратади, биз таълим бермасак, бошқалар таълим беради»

Қисқасини айтганда, ҳозирги рақамли дунё шароити умумтаълим мактабларида бошланғич таълим фанларини ўзаро алоқадорлик орқали ўқитишда, ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини фанлараро шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган илмий тадқиқот натижаларидан самарали фойдаланишни тақазо этмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. «Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир». Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь.-16б.
2. Muxtorovna, Kayumova Nigora, Shukurova Nigora Shavkatovna, and Safoeva Sadokat Nasilloevna. "The role of the ethnographic vocabulary in the English and Uzbek languages." International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering 8.9 S3 (2019): 1551-1554.
3. Qayumova, N., and S. Safoyeva. "The Connotative meanings of noun and adjective lexemes in Uzbek and English languages." Scientific reports of Bukhara State University 6.82 (2020).

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

Scanned by TapScanner

4. Qayumova, Nigora. "IDEOLOGY AND ART OF WILLIAM SHAKESPEARE'S SONNETS." Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences 2.8 (2023): 94-97.

5. Qayumova, N. M., and S. N. Nizomiddinova. "CHOOSING THE RIGHT CAREER IS A DIFFICULT AND CHALLENGING TASK." Solution of social problems in management and economy 2.3 (2023): 5-7.

6. Sharafovna S. G. THE USE OF INNOVATIVE METHODS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 4-7.

7. Sharapova G. S. THE EFFECTIVENESS OF USING VIDEO MATERIALS IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES //Эффективность применения инновационных технологий и техники в сельском и водном хозяйстве. – 2020. – С. 566-567.

8. Ganievna K. N., Alibek U. Uzbekistan is the generous country //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 4 (17). – С. 98-99.

9. Ganievna K. N., Muhriddin R. The development of English literature //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 4 (17). – С. 102-103.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

Scanned by TapScanner